2015 ЙИЛ 3 МАРТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (12.866)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноби Олийлари!

Европа Иттифоқи Кенгаши Президенти этиб сайланганим муносабати билан менга табрик йўллаганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мен ўз вазифамни бажаришга киришар эканман, бу лавозимда муайян мақсадларни назарда тутганимни баён қилган эдим. Хусусан, Европа Иттифоқи халқаро майдонда муҳим ўрин тутишига, демократия ва фаровонлик бўйича тажриба алмашишига, дўстлар ва хорижий шериклар билан тинчлик ва бирдамлик каби эзгу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишига қатъий ишонаман. Ўзимнинг бутун билим ва тажрибамни, куч-қувватимни ушбу хайрли ишларга бағишлаш ниятидаман.

Сиз билан яна учрашишни кутиб қоламан.

Самимий ҳурмат билан,

Дональд ТУСК,
Европа Иттифоқи Кенгаши Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИЯ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида шу йил 29 март куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарликнинг бориши мавзуига бағишланган брифинг уюштирилди. Америкaнинг «Вашингтон идораларо профессионал гуруҳи» (WIPG) нодавлат ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирда WIPG аъзолари, бўлажак сайловда Америкадан қатнашадиган халқаро кузатувчилар, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига кўрилаётган тайёргарлик жараёни, Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар томонидан тавсия этилган номзодларни рўйхатга олгани, сайлов тизими ва қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар билан батафсил таништирилди.

Шу билан бирга, анжуман доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда ўзбек халқининг бой маданий-тарихий мероси хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Учрашувда сўзга чиққан **Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти катта илмий ходими А.Кази** Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги тараққиёти, «ўзбек модели»нинг асослари ҳамда ўзига хос хусусиятлари, парламент шаклланишининг босқичлари, мамлакатимизда сайлов жараёнида ошкоралик ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилгани ҳақида тўхталди. У таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг Сайловолди дастурлари қоидаларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустақил нуқтаи назарини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилганига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

«Republic Consultants LLC» компанияси президенти Р.Филлипс Президент сайлови олдидан элчихонада ушбу тадбир юқори даражада ташкил қилинганлиги қатнашчилар учун айни муддао бўлганини қайд этди. Унинг эътирофича, сўнгги ўн йил мобайнида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий натижалари билан америкалик экспертларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

«GBD» консалтинг компанияси ижрочи директори Е.Якобсон Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини юқори баҳолади. «Иқтисодиётда эришилаётган муваффақиятлар мамлакат барқарорлигининг калити вазифасини ўтамоқдаки, бу омил Ўзбекистоннинг келажакда янада гуллаб-яшнаши учун замин бўлади», деди у.

(Давоми 3-бетда)





ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги

ВАТАН, БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК КУЙЧИСИ

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ барча таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида шоиранинг қутлуғ юбилейига бағишланган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий-бадиий кечалар бўлиб ўтди.

1 март куни пойтахтимиздаги Зулфия ҳайкали қад ростлаган хиёбонда кенг жамоатчилик вакиллари, шеърият ихлосмандлари, шоиранинг оила аъзолари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талабаёшлар тўпланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда устоз ижодкор ҳақидаги ёркин хотиралар ёдга олинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон халқ шоири О.Ҳожиева, Зулфиянинг келини Р.Олимжонова ва бошқалар миллий адабиётимиз равнақи йўлида яратилаётган улкан имкониятлар қалам аҳлини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни бадиий жиҳатдан етук асарлар яратишга руҳлантириш, ижодини янада юксак босқичда йўлга қўйишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳаларида фаол изланаётган, интилувчан ва ташаббускор қизлар ушбу юксак мукофотга сазовор бўлмоқда. Бу мукофот юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган қизларнинг орзу-интилишларини юзага чиқариш, уларга қанот бағишлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Зулфия издошлари сафига қўшилганимдан беҳад мамнунман, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақалар совриндори, Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Хуршида Ҳакимова. – Ушбу мукофот севимли шоирамиз номига, халқимизнинг ишончига, мамлакатимизда биз – ёшларга кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътиборга ҳамиша муносиб бўлиш масъулиятини зиммамизга юклайди.

Тадбирда шоира ижодидан намуналар ўзбек ва хорижий тилларда ўқилди. Унинг ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

* * *

Шу куни Ёшлар ижод саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган видеоконференция ўтказилди.

Тадбирда ижодкорнинг бой мероси миллий маънавиятимизни юксалтириш, ёшларни ҳар жиҳатдан комил шахс этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Зеро, шоиранинг ижодида ватанпарварлик, муҳаббат ва садоқат, баҳор ва гўзалликни тараннум этиш устувор аҳамият касб этади. Айни пайтда Зулфия ўзбек адабиётининг довруғини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшган меҳрибон устоз сифатида ҳам халқимиз учун ғоят қадрлидир.

Тадбир доирасида ардоқли шоира ижодий мероси, ҳаёти ва фаолиятига бағишланган суратлар экспозицияси, опера санъатининг ёш ижрочилари ва симфоник оркестр иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Рашид Галиев
олган суратлар

Айни кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайловни умумэътироф этилган юксак демократик тамойиллар асосида фаол ва кўтаринкиликда ўтказишни таъминлаш мақсадида туркум семинарлар ташкил этилмоқда.

29 март — сайлов куни

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежи ва Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда сайлов участкалари аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида навбатдаги семинар ўтказилди.

Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, жумладан, мамлакатимизда сайловларнинг демократик руҳда, очиқ-ошкора, эркин ва адолатли тарзда ўтказилиб келинаётганлиги, фуқароларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлиги, фаол сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун 18 ёш белгиланган, барча турдаги сайловлар каби Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам мамлакат фуқароларининг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш каби бир қатор масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган конференция ўтказилди.

● Урганч шаҳрида жойлашган Шимоли-ғарбий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабининг навбатдаги битирувчиларига сертификат ва кўкрак нишонлари топширилди.

● Жиззах вилояти Пахтакор тумани Чаманзор қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги массивдаги хонадонлар сони 50 тага етди. Номи қиёфасига монанд мазкур қишлоқ бугун нафақат туман, балки вилоятдаги энг кўркам ва обод масканлардан бирига айланди.

● Қашқадарёда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга бағишланган «Тадбиркорлик билан келажак сари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, баланд товушда мусиқа тинглаш ер юзининг 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган миллиарддан зиёдроқ аҳолиси эшитиш қобилиятига хавф солмоқда. Яъни инсоннинг қулоқчинларда баланд овозда мусиқа тинглаши оқибатида эшитиш қобилиятига жиддий зарар етади.

● Япониянинг «Куосега» компанияси умуман қувватлаш қурилмаси керак бўлмайдиган смартфонни тақдим этишга тайёрланмоқда. Бунинг учун смартфоннинг экранини ёпиб турувчи ҳимоя ойнаси тагига махсус ёруғликка таъсирчан қатлам ўрнатилди, у қуёш батареяси ҳисобланади.

● Дубайдаги «Scoopi Cafe» қаҳвахонаси ўз мижозларига дунёда энг қимматбаҳо музқаймоқ маҳсулотини даъвогарлик қилиши мумкин бўлган «Қора олмос» деб аталган музқаймоқни таклиф қилмоқда. Музқаймоқнинг нархи 3000 дирҳам (817 АҚШ доллари)ни ташкил қилади. Бу экзотик ширинликни бош ошпаз Зубин Даши бутун дунёдан келтирилган маҳсулотлардан 5 ҳафта давомида тайёрлаган.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ ХОЛМАТОВИЧ САИДОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



АКМАЛ ХОЛМАТОВИЧ САИДОВ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Холматович Саидов 1958 йилда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Юридик фанлари доктори. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси.

1985-1989 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими ва бўлим мудири, 1989-1991 йилларда Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг раиси, 1991-1992 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, 1992-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг директори, 1993-1994 йилларда Тошкент давлат юридик институтининг ректори лавозимларида ишлаган.

1994-1996 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, айни вақтда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг Доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган.

1996 йилнинг ноябридан бошлаб Акмал Саидов Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг директори лавозимида ишлаб келмоқда.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланган.

2000 йилдан ҳозирги вақтгача Акмал Саидов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Акмал Саидов миллий ҳуқуқий тизим асосларини шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий комиссияси аъзоси бўлган, фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратишга, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиб келган.

«Ўзбекистон — Бельгия» депутатлик гуруҳи раиси ҳамда «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламентлараро ҳамкорлик бўйича қўмита аъзоси ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқларига бағишланган турли анжуманларида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонларига бағишланган тадбирларида, Европа Иттифоқи тузилмалари ва шу каби бошқа халқаро форумлар ишида иштирок этган.

Акмал Саидов халқаро ва қиёсий ҳуқуқ профессори, бир қатор хорижий ва халқаро юридик жамиятлар ва уюшмалар аъзоси, ҳуқуқшуносликка оид дарсликлар, илмий асарлар ва мақолалар муаллифи.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

«Меҳнат шуҳрати» ва «Дўстлик» орденлари билан мукофотланган.

ДАСТУР

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг кўҳна тарихини, кўп асрлик миллий давлатчилигини тиклади. Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари»** тамойили ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилган.

Мамлакатимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яқин келажакдаги бош мақсадимиз бу — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

I. Ижтимоий-сиёсий соҳада:

— миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини тасдиқлаш. **Бизнинг мақсадимиз — миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари**;

— миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъий назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш;

— «маҳалла» миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалла ролини кучайтириш;

— давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ҳамда амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

— мамлакатда диний, миллий ва маданий бағрикенглик муҳитини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

II. Маънавий-маърифий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар доим миллий ўзликни англашни ошириш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва берамиз. Шу боис биз қуйидагилар тарафдоримиз:

— ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш. **Миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз**;

— Ўзбекистон тарихини холисоналик тамойилларига асосланган тарзда узлуксиз ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш;

— Ўзбекистон маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий объектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш;

— юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш;

— ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш;

— давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала маданияти сифатидаги ўрни ҳамда мақомини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш;

— камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

— оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш.

III. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш соҳасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— аҳоли ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни таъминлаш. **Юксак ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти миллий ҳуқуқий тизим етуклигининг кўрсаткичи ҳисобланади**;

— мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

— жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш;

— оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, шунингдек, фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш.

IV. Иқтисодиёт соҳасида биз қуйидагилар тарафдоримиз:

— **«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»** тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш;

— ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш;

— миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;

— халқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш.

Шу билан бирга, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таклиф этамиз:

— сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш;

— хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш;

— туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш;

— алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини қўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш.

V. Аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш — ижтимоий соҳадаги бош устуворлигимиз. Шундан келиб чиқиб, устувор вазифаларимиз қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

— озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш;

— ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастури бажарилишининг бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш;

— қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш;

— маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш;

— болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС)дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш. **Халқи соғлом ва баркамол ривожланган мамлакат кучлидир!**

VI. Ахборот соҳасидаги долзарб вазифалар қаторида биз глобаллашув жараёнларида халқимиз маданиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятига эътибор қаратамиз. Шулардан келиб чиқиб, қуйидагиларни мазкур соҳадаги асосий вазифалар, деб ҳисоблаймиз:

— миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш. **Ривожланган миллий ахборот макони — мустаҳкам тараққиёт пойдеворидир;**

— ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш;

— ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлаш.

VII. Ташқи сиёсат соҳасида биз Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Биз самарали ташқи сиёсатни амалга оширишда қуйидагилар тарафдоримиз:

— ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш. **Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш — фаол ташқи сиёсатнинг вазифаси**;

— Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имиджини мустаҳкамлаш;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

— Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масалаларини халқаро ҳуқуқий меъёрлардан, жумладан, БМТнинг Трансчегаравий сув манбалари ва халқаро кўлларни асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси (Хельсинки, 1992 йил) ва Кемалар қатнамайдиган халқаро сув манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил) қоидалари асосида ҳал этиш;

— инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш.

Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали Она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

29 март — сайлов куни





МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Ш.Зулфиқоров, Ҳ.Муҳамедов, Тошкент автомобиль йўллари институти доценти Д.Расилов, Адлия бошқармасининг вакили С.Эшманова, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси юристи А.Яшнарбеков, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Ф.Маҳмудхўжаев ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

— Ушбу тадбирдан ўзимизга керакли бўлган жуда зарур маълумотларни олдик, — дейди 521-сайлов участкаси комиссияси аъзоси Дилором Йўлдошева. — Яъни «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, шу билан бирга республикамизда умумэътироф этилган, халқаро андозалар ва илғор чет эл тажрибасига асосланган сайловга оид ҳуқуқий база яратилгани ва унинг амалиётда кўппартиявийлик асосида, эркин сиёсий рақобат шароитида демократик сайловлар ўтказишга хизмат қилаётгани тўғрисидаги маърузалар бу борадаги билимларимизни янада мустаҳкамлади.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги Тошкент Молия институтида ва Яккасарой туманидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда ҳам ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган семинарлар бўлиб ўтди.

Анжуманларда сўз олган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Р.Саидов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори С.Бобоқулов ва бошқалар сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг роли, овоз бериш жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизим масалалари бўйича фикр юритдилар.

Участка сайлов комиссиялари аъзолари, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва ёшлар иштирок этган ушбу семинарлар ниҳоятда жонли, фикр-мулоҳазалар, савол-жавобларга бой ўтганлиги билан барча иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Тадбир якунида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилган семинарлар Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ

«Камолот» лойиҳалари

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Чилонзор туман ҳокимлигида «Тўрт фасл нишонаси» лойиҳаси доирасида ташкил этилган «Қиш зийнати» кўрик-танлови ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаркакати туман Кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Иффатли келин», «Бегим-бегойим» ўқув марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тумандаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган миллий либослар яратиш билан шуғулланувчи ўқувчи-қизлар иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ёш авлодни миллий қадриятлар, либосларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англашига замин яратиш, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчи-ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ҳамда бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ўтказилди. Танловда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртларидан жами 58 нафар иштирокчи ўзи яратган либослари, қўл меҳнати асосида тўқилган либослар ҳамда қоғозга туширилган либослар дизайни намойиш қилинди.

— Тумандаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш, асосийси, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Тўрт фасл нишонаси» лойиҳаси ишлаб чиқилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Лойиҳа йилнинг тўрт фаслига мўлжаллаб ташкил этилган бўлиб, «Қиш зийнати», «Баҳор нафаси», «Ёз ифори» ва «Олтин куз» деб номланди. Лойиҳанинг якуний босқичида жами 58 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган тўқувчилик санъати ҳамда миллий либослар яратиш билан шуғулланувчи ўқувчи-ёшлар ўзларининг қиш мавсумига атаб тайёрланган миллий ва замонавий либослари билан қатнашди.

Тадбирда ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчилари томонидан яратилган либосларни низомда кўрсатилган мезонлар асосида баҳолаб борди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, умумий ўрта таълим мактабларидан 3 нафар, ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларидан 3 нафар, жами 6 нафар иштирокчи ғолибликни қўлга киритди. Битта иштирокчи «Энг ёш дизайнер» номинацияси соҳиби бўлди.

Ғолибликни қўлга киритган ёшлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар, диплом ҳамда уч нафар иштирокчи «Иффатли келин» ўқув марказида, яна уч нафари эса «Бегим бегойим» ўқув марказида ихтиёрий ўқув курсига бепул йўлланмаларни қўлга киритишди

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тадбиркорлар, корхоналар раҳбарлари ҳамда хусусий тармоқ вакиллари иштирокида «Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш – барқарор тадбиркорлик ривожланишининг омили» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарлар

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Унда табиатдан фойдаланиш соҳасида иқтисодий механизмларни амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилишга оид амалдаги қонунчилик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида имтиёзларни тақдим этиш, шунингдек, экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг давлат тизими билан боғлиқ масалалари муҳокама қилинди.

Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, табиат инъомларини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда. Тежамкор ва экологик зарарсиз технологиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилаётир.

Бу борада мамлакатимизда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси доирасида қилинган ишлар натижасида табиатга чиқадиган зарарли моддаларнинг бирмунча пасайишига эришилди. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан кам чиқитли ва экологик хавфсиз технологияларни татбиқ этишга эътибор берилмоқда.

Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологик жараёнларини, кўрсатилаётган хизматларни ҳамда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида экологик сертификатлаштириш йўлга қўйилган.

– Экологик сертификатлаштириш икки хил, яъни ихтиёрий ва мажбурий тарзда амалга оширилади, – дейди Давлат экологик сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш бош бошқармасининг бош мутахассиси Дурбек Фармонов. – Ҳозирги кунда бош бошқармамиз томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган истеъмол, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотларини экологик сертификатлаштиришни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг атроф-муҳитга бўлган зарари ўрганиб чиқилиб, бу бўйича стандартлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларимизни экологик тамғалаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Келажакда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулотга экологик тамға қўйилиб, экспортга йўналтирилади. Бу, республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экологик хавфсиз эканлиги ҳамда жаҳон бозорига чиқишида ортиқча тўсиқларга дуч келмаслигини таъминлайди.

Тадбирда ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ушбу йўналишдаги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Семинарда шунингдек, давлат экологик экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, маҳсулот таннархини камайтиришга кўмаклашувчи омиллар, саноатга кам чиқитли ва экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Иштирокчилар табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини келгусида такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдиришди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Абдували СОДИҚОВ

Тадбирлар

ЁТ ҒОЯЛАРДАН ЙИРОҚМИЗ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида диний экстремизм, гиёҳвандлик ва одам савдоси каби иллатларга қарши курашишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда ички ишлар идоралари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий маркази ва бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, университет раҳбарияти ҳамда талабалар иштирок этишди.

Ўтган асрдан «мерос» бўлиб ўтган бу уч иллат бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида долзарб муаммога айланган. Унга қарши курашиш бўйича БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилиб, бир қанча халқаро ҳужжатлар кучга киритилмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, дунё бўйича ёт ғояларга алданаётган, одам савдоси қурбони бўлаётган ва наркотик моддалар домига тушиб қолувчиларнинг катта қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, уларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш, ҳуқуқий билимларни ошириш ва жиноятчиликка аралашиб қолмасликларига катта эътибор қаратилмоқда. Гиёҳвандлик, диний экстремизм ва одам савдоси сингари турли ёт ғоялар ва иллатлар домига тушиб қолишнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлод онгида бу балоларга қарши иммунитет ҳосил қилиш, унга қарши курашадиган қилиб тарбиялаш лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

– Талабаларни, умуман ёшларнинг диний экстремизм, одам савдоси ёки гиёҳвандлик иллатларига илашиб қолмаслигида бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Э.Боборажабов. – Бундан ташқари, маънавият ва ахборот соатларида талабаларимизга фирибгарларга алданиб қолмаслик, наркобизнес домига илинмаслик, унинг салбий оқибатлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади. Шунингдек, интернет ва бошқа ахборот манбаларидан фойдаланиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

Тадбирда талабалар фикр ва мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИЯ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Е.Якобсон юртимизда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида тўхталиб, «Ўзбекистон ўзининг намунали таълим тизими, ёш мутахассислари билан ажралиб туриши хорижлик сармоядорларни мамлакатга жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда», дея таъкидлади.

Ўз навбатида, **«JMH Group» эксперт ташкилотининг ҳукумат ишлари бўйича вице-президенти Ч.Йессаиан** юртимиз тарихан қисқа даврда давлатчиликнинг барча тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ўсишга эришганини айтиб ўтди. Унинг фикрича, мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ тизими тараққиёти, аҳолининг саводхонлик даражаси, ёшлар эга бўлган имкониятлар, шунингдек, сайлов жараёнининг ошкоралик ва очиқлик асосида ўтиши таъминланиши учун ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг келгуси равнақида катта аҳамият касб этади.

Тадбирда юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши, жамоатчиликнинг сиёсий фаоллиги даражаси, сиёсий партиялар фаолияти, олдинда турган сайловларда қатнашадиган халқаро кузатувчилар таркиби сингари масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Брифинг доирасида «Ўзбекистон манзаралари» фотокўргазмаси ва мамлакатимиз сайёҳлик имкониятларига бағишланган тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якунида «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбат чоғида америкалик айрим экспертлар қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Нельсон ГАРСИЯ,
«Вашингтон идоралараро профессионал гуруҳи» (WIPG) нодавлат ташкилоти президенти:

— 2014 йилнинг декабрида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида ташкилотимиз вакиллари ҳам халқаро кузатувчи сифатида қатнашган эди. Улар Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ички ҳамда ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаганлари ҳолда, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига тилакдошдирлар.

Биз Президент сайлови ҳам демократия тамойилларига тўла амал қилинган тарзда ўтишига ишонамиз, чунки Ўзбекистон ўзининг сайлов тажрибасига эга. Сайловчилар ўзлари муносиб топган номзодни ёқлаб овоз беришлари асносида мамлакатнинг келажакдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юзасидан ўз хоҳиш-иродаларини ифода этишади.

Рон ФИЛИПС,
«Republican Consultants LLC» консалтинг компанияси президенти:

— Ўзбекистонга биринчи маротаба 2004 йили борган эдим. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловларини кузатиш шарафига муяссар бўлганман. Ўша сайловлар янги парламент ҳамда демократик жараёнларнинг шаклланишида мустаҳкам пойдевор яратган эди, деб ўйлайман. Мен ушбу сафарим чоғидаёқ Ўзбекистон ҳукумати ўз халқи билан биргаликда мамлакат келажаги, янгиланиши ва тараққиёти йўлида баҳамжиҳат ҳаракатланаётганига ишонч ҳосил қилгандим. Орадан 10 йил ўтди. Бугунги кунга келиб, ана шундай демократик жараёнлар янада ривож топмоқдаки, буни Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан, мамлакатда турли соҳаларда эришилаётган муваффақиятлардан ҳам билиш мумкин.

Менинг фикримча, бўлажак Президент сайлови нафақат Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бардавомлигини таъминлайди, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг сиёсий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкори саналади. Вашингтон Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун барча имкониятни ишга солмоғи зарур, деб ўйлайман.

Жеффри ГОРДОН,
«Protect America Today» ташкилоти ижрочи директори:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг микёсли ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу интилишни сармоя соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Сўнгги йилларда мамлакатингизда қонун устуворлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳити ва сармоя соҳасидаги қонунчиликни либераллаштириш бўйича диққатга сазовор ўзгаришлар рўй берди.

Қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши сезиларли даражада ортишига олиб келаётир. Буни АҚШ ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари сармоядорларининг амалий саъй-ҳаракатлари, шунингдек, рейтинг агентликларининг ижобий баҳолари ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган энг муҳим муваффақиятлардан яна бири кўп миллатли мамлакатда миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашга муваффақ бўлганидир. Этник ва диний омил таъсиридаги можаролардан йироқлиги билан ҳам Ўзбекистон дунёнинг кўпгина давлатлари учун намуна бўла олади.

Айтиш мумкинки, бўлажак Президент сайлови ва унинг натижалари келажакда сармоявий муҳитнинг янада яхшиланиши ҳамда ички сиёсатдаги барқарорлик бундан да мустаҳкамланишини таъминлашга хизмат қилади.

«Жаҳон» АА,
Вашингтон

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда мунтазам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб, мамлакатимиз шарафини дунёга танитаётган қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИ — ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЯ



Ана шундай спортчилардан бири бадиий гимнастикачи Жамила Раҳматовадир.

Жамила 8 ёшидан Навоий шаҳрида мураббия Оксана Шевченкодан бадиий гимнастика сирларини пухта ўрганди. Унинг спортга меҳри ва интилувчанлиги ўз самарасини берди – 2000 йилда Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди ва 10 ёшида халқаро турнирда биринчи маротаба иштирок этиб, олтин медални қўлга киритди.

Бадиий гимнастикачимиз ўз устида тинимсиз меҳнат қилди, маҳоратини ошириб борди, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, тобланди. 2010 йилда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлган XVI Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида кумуш медални қўлга киритди. 2013 йилда пойтахтимизда ўтган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўтган йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида олтин медалга сазовор бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун Жамила Раҳматова «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. 2014 йилнинг энг яхши спортчиси, дея эътироф этилган.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, қишлоқларда ҳам замонавий болалар спорти иншоотлари барпо этилмоқда. Халқаро андозалар даражасида жиҳозланган марказ ва секциялар, спорт комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши доимий эътиборда.

Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланган Жамила айни пайтда спортдаги фаолиятини якунлаб, бадиий гимнастика клубини очди. У ўз клубида жажжи қизалоқларга мазкур спорт турининг сир-асрорларини ўргатмоқда.

– Ёшлигимдан мураббия бўлишни орзу қилардим, – дейди ЎзА мухбирига Жамила. – Профессионал спортчи сифатида ютуқларга эришдим. Эндиги мақсадим шогирдларимнинг халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтаришини кўришдир.

Бадиий гимнастика қизларимизга мос спорт туридир. Унда жисмоний тарбия, мусиқа ва хореография каби қизлар тарбияси учун муҳим жиҳатлар мужассам. Ушбу спорт тури билан шуғулланиш қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялашга, мусиқа ва рақсга қизиқишини оширишга, ҳар томонлама гўзаллиги ва дидини шакллантиришга хизмат қилади.

Бугун спортга меҳр қўйган қизалоқлар жисмоний машқларда тобланган учун тани соғлом, руҳи тетик, фикри тиниқ, иродаси мустаҳкам, келажакда ҳаётнинг турли синов ва қийинчиликларини енгиб ўтишга қодир инсонлар бўлиб етишади. Энг муҳими, ҳар томонлама баркамол вояга етган қизлар келажакда оила қўрғонида соғлом зурриёдни дунёга келтиради ва фарзандига ҳам спортга меҳр туйғусини сингдиради, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатади.

– Жамила опамга жуда ҳавас қиламан, – дейди клуб аъзоси Тўмарис Мирзаева. – Келажакда у каби моҳир спортчи бўлиб, халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни истайман. Бунинг учун мураббиямнинг ҳар бир кўрсатмаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаяпман.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Темур Мамадаминов олган сурат

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида рассом Юрий Гребенюкнинг 8 март — Хотин-қизлар кунига бағишланган «Баҳор калейдоскопи» номли шахсий кўргазмаси очилди.



Кўргазмалар

БАҲОР КАЛЕЙДОСКОПИ

Карвон саройнинг катта ва кичик залларидан рассомнинг 80 дан ортиқ ишлари жой олган. Экспозициядаги полотноларда юртимизда ўсадиган ранго-ранг гуллар ва гўзал табиати турли ҳолатларда моҳирона тасвирланган. Шунингдек, мулоҳазаларга чорловчи ҳаёт фалсафаси акс этган график асарлар, Шарқ миниатюрасидан илҳомланиб, турли мавзуларда чизилган расмлар киши диққатини тортади.

Ўтган йили рассомнинг халқаро маданият карвон саройида ўтказган шахсий кўргазмаси ҳам ихлосмандлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган эди. Ю.Гребенюк кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси. Унинг сара асарлари қатор хорижий мамлакатларда шахсий коллекцияларда сақланади. У доимо изланишда. 2015 йилда Германия, Франция, Исроил, Россия каби мамлакатларда ҳам шахсий кўргазмаларини ўтказишни режалаштирган.

Рассом 1965 йилдан бери Тошкентда яшаб, ижод қилади.

Кўргазма 5 мартгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ
Алексей Попов олган сурат

Тадбирлар

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Тошкент Тиббиёт академиясида «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан шаҳарча ҳокимлиги, шаҳарча ИИБ бўлими ҳамкорлигида «Терроризм, диний экстремизм ва уларнинг салбий оқибатлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда талабалар турар жойларида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар юртимиздаги тинчлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ёшларга қаратилаётган эътибордан тўғри хулоса чиқариш кераклиги, эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларнинг илм чўққиларини чуқур эгаллаб, кўзлаган мақсадга қараб интилишлари, салбий иллатлар ҳамда ёт ғояларга берилмаслик муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

— «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча Етакчилар Кенгаши ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Талабаларда маънавий бўшлиқ ҳосил бўлмаслиги учун уларни ҳар хил тўгарак ва спорт ўйинларига жалб этиш муҳим. Қолаверса турли хил ёт ғоялар ҳаётимизга нақадар катта хавф солаётганини ҳар қандай талаба чуқур англамоғи лозим.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозарага бой тарзда ўтиб, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари хавфсизлигини таъминлаш, Тошкент шаҳри ҳудудида рўй бериш эҳтимоли бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» МЧЖ маркази иншоотида «Аммиак таъсирида заҳарланишнинг олдини олиш учун объект фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда корхона ходимлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда улар ўртасида огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш борасида амалий ишларни кенг миқёсда олиб боришдан иборатдир. Шунингдек, вужудга келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфини камайтириш бўйича комплекс профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, хавфни бартараф этиш бўйича режанинг пухталигини текшириш, корхона ходимларини ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш, жароҳатланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, авария оқибатларини бартараф этишда фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида маънавий-руҳий тайёргарлигини оширишдир.

Тадбир уч босқичда ташкил этилди. Дастлабки босқичда Фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибининг саф кўриги ўтказилди. Штаб бошлиғи вазиятга аниқлилик киритиб, тузилма раҳбарларига маълум қилиб, уларга вазифалар қўйилди.

Иккинчи босқич иншоотда авария содир бўлганда штаб аъзоларининг, фуқаро муҳофазаси тузилмаси сардорлари ва ходимларнинг хатти-ҳаракатлари, хавф юзага келган жойларни ўрганиш натижалари бўйича аҳборот бериш ва оқибатларини бартараф этиш ҳаракатлари ҳамда жароҳат олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш муассасаларига жўнатишдан иборат бўлди.

Сўнгги босқичда Фуқаро муҳофазаси тузилмаси томонидан махсус-тактик ўқув машқи режасидаги тадбирлар амалга оширилди.

Тадбир Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари подполковник Раҳмуддин Нуралиев, хизматчилар Отабек Хушвақов ва Азамат Аманов лар назорати остида ўтди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир якунида объект раҳбариятига бир нечта таклифлар берилди. МЧЖнинг Фуқаро муҳофазаси синф хонасини ўқув методик қўлланмалар билан янада бойитиш, объект Фуқаро муҳофазаси тузилмалари билан Тошкент шаҳар ҳокими – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2014 йил 30 декабрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2014 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2015 йилдаги вазифалар тўғрисида»ги буйруғига асосан 15 соатлик дастури асосида ўқитиш ишларини ташкил этишда амалий машғулотларга кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда келгусида бўлиб ўтадиган махсус-тактик ўқув машқларига мунтазам тайёргарлик кўриб бориш тавсия этилди.

Энг муҳими, тадбирда кўзланган асосий мақсад бажарилди, ўқув машқининг ўқув саволлари бўйича «Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» МЧЖда раҳбарлар таркиби ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари таркиби қониқарли иштирок этишди.

Азамат СУЮНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Ичимлик суви, иссиқ сув ва иссиқлик бўлмаслиги ҳақида

Себзор ва Абдулла Қодирий кўчаларининг кесишувида янги кўприкнинг қурилиши муносабати билан диаметри 1400 мм бўлган катта ҳажмли сув тармоғининг кўчирилиши сабабли 2015 йилнинг 4 март соат 05:00 дан 2015 йилнинг 6 март соат 20:00 гача қуйидаги манзилларда ичимлик суви, иссиқлик ва иссиқ сув вақтинчалик тўхтатилади:

Олмазор тумани бўйича:

Ичимлик суви бўлмайди: — Б-1 мавзеси Чустий маҳалласи, Б-3 мавзеси Алишер Навоий маҳалласи, «Беруний майдони» маҳалласи, Марказ — 17,18 «Себзор», «Янги Себзор», «Тахтапул», «Хончорбоғ» маҳаллаларининг кўп қаватли уйларида, шунингдек, «Алоқа», Беруний, Фаробий, «Чимбой-2», «Қорасарой», «Гузарбоши», «Қўштут», «Алтон», «Эски шаҳар», «Хасти Имом», «Қумлоқ», Ҳофиз Кўҳакий, Исмоил Шоший, «Истиқлол» маҳаллаларининг хусусий хонадонларида ва Беруний кўчасидаги нон ишлаб чиқариш заводида.

Иссиқлик ва иссиқ сув бўлмайди: — Б-1, Б-3 мавзеларида, «Беруний майдони» маҳалласи ва Кичик ҳалқа йўли, Лангар, Пахта кўчаларида.

Шайхонтоҳур тумани бўйича:

Ичимлик суви бўлмайди: — Марказ-26,27,28 «Гулобод», «Боғ кўча», «Сархумдон» маҳаллалари, Қоратош мавзесидаги «Қоратош», «Чақар» маҳаллалари, Бешёғоч мавзеси «Янги Камолон» маҳалласидаги кўп қаватли уйларда, шунингдек, Ҳувайдо, «Гулбозор», «Сузук ота», «Исломобод», «Оқлон», «Шофайз», «Янги шаҳар», «Обиназир», «Кох ота» маҳаллаларининг хусусий хонадонларида ҳамда Болалар кардиология шифохонаси, 1-шаҳар клиник шифохонаси ва туғруқхонаси, 3-қозонхонада.

Иссиқлик ва иссиқ сув бўлмайди: — «Гулобод», «Боғ кўча», «Сархумдон» маҳаллалари, Қоратош мавзесидаги «Қоратош», «Чақар» маҳаллалари, Бешёғоч мавзесидаги «Янги Камолон» маҳалласи, Марказ-13,14, Кичик ҳалқа йўли, «Ипакчи», «Зарқайнар» маҳаллалари, Ўзбекистон, Беруний, Уйғур-Қоратош, Матлубот, Анҳор бўйи, Шерозий кўчаларида.

Чилонзор тумани бўйича:

Иссиқлик ва иссиқ сув бўлмайди: — Олмазор мавзесида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **4 март** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5